

УДК: 619.616.091.981.21.

Б.А Элмуродов, ВИТИ. З.Ж. Шопўлатова, Н.У. Сатторов.
СамҚХИ**ЁШ ҲАЙВОНЛАРНИНГ КОЛИБАКТЕРИОЗ, САЛЬМОНЕЛЛЁЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИ***Аннотация*

В этой статье приведены данные о мероприятиях по профилактике колибактериоза и сальмонеллёза, которые часто встречаются среди молодняка с/х животных.

Ключевые слова: колибактериоз, сальмонеллёз, бактериология, микробиология, эпизоотология, вакцина.

Аннотация

This article is dealt with the prophylaxis of salmonellosis and colibacillosis diseases often occur among young animals.

Key words: Colibacteriosis, Salmonellosis, treating, prophylaxis, bacteriology, microbiology, epizootology, vaccine, incidents'.

Республикаимиз иқтисодиётида чорвачилик алоҳида ўринга эга ва ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда давлат, фермер ҳамда хусусий хўжаликлардаги мол бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, соғлом насл олиш, уларни тўғри парваришлаш, турли касалликлардан сақлаш каби омилларга боғлиқ.

Ветеринария фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бири қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, айниқса, ёш чорва моллари орасида учрайдиган ва катта иқтисодий зарар етказадиган юкумли касалликларга ташхис қўйиш, олдини олиш ва қарши кураш чоратadbirlарини ишлаб чиқиш, тақомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этишдир. Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш учун ветеринария - санитария талабларига риоя қилишдан ташқари юзага келган вазиятни чуқурроқ ва атрофлича илмий талқин қилиш лозим. Айниқса, касалликнинг келиб чиқишида бир неча кўзгатувиҳларнинг иштирок этиши муаммони оғирлаштиради. Шунинг учун чорва молларини юкумли бактериал касалликларига қарши самарали усул ҳамда воситаларни тадбиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қорақўлчилик фермер ва ширкат хўжаликларидида тул даври бошланиш арафасида, яъни март-апрел ойларида бўғоз қўйларни озиклантириш, сақлаш, уларни касалликлардан химоя қилиш, тулни муваффақиятли ўтказиш, туғилган кўзиларни касалликлардан асраш, уларни тўғри озиклантириш ва парваришлаш муҳимдир.

Бизнинг илмий тадқиқот ишларимиз бевосита ушбу масалани ечишга ойдинлик киритади. Ветеринария илмий-тадқиқот институтида яра- тилган бузоқ, кўзи ва чўчка болаларининг колибактериоз, сальмонеллёр касалликларига қар- ши ассоциацияланган ГОА формол вакцинанинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида 8 бош она қўй 4 бошдан 2 гуруҳга ажратиб ўрганилди. Биринчи

гуруҳдаги қўйларнинг ҳар бирига 3 мл дан тери остита ушбу вакцинани кўллаш бўйича йўриқномага асосан 2015-йилнинг март ойида вакцина юборилди. Иккинчи гуруҳ назорат ҳисобланиб, уларга вакцина юборилмади (1-жадвал).

1-жадвал.

**Таҷрибадаги она қўйларни вакцина билан эмлаш
тартиби ва олинган кузилардаги ўзгаришлар
натижаси**

Таҷриба гуруҳи	Таҷриба- даги қўйлар сони	Эмлаш миқ- дори	Эмлаш жойи	Таҷрибадаги қўйлардан туғилган кўзиларнинг ҳолати	
				Касаллан- мади	Касал- ланди
I таҷриба	4	3 мл	Тери остита	4	0
11 назорат	4	-	-	1	3

Эмлангандан 2 ой ўтгандан сўнг таҷрибадаги барча бўғоз қўйлардан кўзилар туғилди. Шу даврда таҷрибанинг 15,30,45 ва 60-кунлари қон намуналари олиниб қон зардобидида вакцинанинг иммун фаоллиги (АР) серологик усулда ушбу касалликларга қарши антителолар титри аниқланди (2-жадвал). Таҷриба гуруҳидаги кўзилар бир ой кузатиш даврида ҳеч қандай касалликка учрамади. Назорат гуруҳидаги вакцина эмланмаган она қўйлардан туғилган кўзиларнинг 3 боши касалланиб, ич кетиш, оғиздан суюқлик оқиб, тана ҳарорати кўтарилиб, ҳаётининг 7-куниди бир бош, 11-куниди бир бош, 17-куниди бир бош кўзи ўлди. Мазкур кўзиларни патологоана- томик ёриб кўрилганда, уларнинг жигари, буйраги, ошқозон-ичакларида геморагик яллиғланишлар ва нуқтали қон қўйилишлар, кўкрак ва корин бўшлиқларида сарғиш суюқлик тўпланганлиги аниқланди. Ички аъзоларидан намуналар олиниб бактериологик текширилганда колибактериоз ва сальмонеллёр касалликлари кўзгатувиҳлари мавжудлиги аниқланди.



2-жадвал.

Эмланган қўйлар крн зардобида эшерихияларга қарши махсус антителилар тишр динамикаси (AP)

Гурухлар	Эмланган қўйлар сони	Эмлаш микдори	Эмлаш жойи	Антителилар титри			
				15	30	45	60
I тажриба	4	3 мл	Тери остига	1:200	1:400	1:600	1:800
				1:400	1:600	1:800	1:800
				1:200	1:400	1:600	1:600
				1:600	1:800	1:800	1:800
II назорат	4	-	-	1:40	1:32	1:40	1:32
				1:32	1:40	1:32	1:32
				1:32	1:40	1:40	1:40
				1:40	1:40	1:40	1:32

3-жадвал.

Эмланган қўйлар крн зардобида салмонелларга карта антителилар тишр динамикаси (AP).

Гурухлар	Эмланган қўйлар сони	Эмлаш микдори	Эмлаш жойи	Антителилар титри			
				15	30	45	60
I тажриба	4	3 мл	Тери остига	1:400	1:600	1:800	1:800
				1:200	1:400	1:400	1:800
				1:200	1:400	1:600	1:800
				1:400	1:400	1:400	1:600
II назорат	4	-	-	1:32	1:20	1:40	1:60
				1:16	1:40	1:60	1:40
				1:40	1:40	1:40	1:40
				1:20	1:32	1:40	1:32

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, мазкур ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўйларнинг колибактериоз ва сальмонеллез касалликларига қарши ишлаб чиқилган вакцинанинг бир мартаба 3 мл дан қўллаганда 60 кунликда антителилар титри колибактериозда ўртача 1:800 ни, сальмонеллезда ҳам ўртача 1:800 ни ташкил этди. Шундай қилиб колибактериоз ва сальмонеллезга қарши ГОА формол вакцинанинг 3 мл тери остига эмлаш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, бўғоз ҳайвонлар туғишига 1,5-2 ой қолганда қўлланмага мувофиқ бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг колибактериоз, сальмонеллез касалликларига қарши ассоциацияланган ГОА формол вакцина билан эмлаш улардан туғилган қўзиларни мазкур касалликлардан сақлаб қолиш имконини яратди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Авромченко И.Ф. Этиология желудочно-кишечных заболеваний новорожденных ягнят. // Ветеринария.-1987 №2 С. 12-13.
2. Ахмедов А.М. Вопросы колибактериоза животных Труды института Сам СХИ.-1988. Т.-19. С.97-99.
3. Ахмедов А.М. "Сальмонеллезы" М. Колос 1970.
4. Мойса В. Борьба с сальмонеллой с помощью самой сальмонеллы. Ветеринарная газета, 2000, №12, с. 13.
5. Сытдыков А.К., Бурлуцкий И.Д. Колибактериоз ягнят. Сельское хозяйство Узбекистана.-1967.-№8. С. 58.

А.О. Оринов, в.ф.д., профессор, Н.Э.Йўлдошев., в.ф.н.
И.А. Улашов, кичик илмий ходим, ВИТИ.

ФАСЦИОЛЁЗ ВА БОШҚА ТРЕМАТОДОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА КАЛИЙЛИ ЎҒИТ - КАЛИЙ ХЛОРИДДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация

Приводятся данные и «Наставления» по использованию хлорида калия в качестве моллюскоцида против пресноводных моллюсков — промежуточных хозяев возбудителей фасциолёза, ориентобильгарциоза и парамфистоматидозов.

Маълумки чорва моллари, айниқса, корамол ва қўй-эчкиларнинг гельминтоз (ғижжа) касалликлари орасида фасциолёз, ориентобильгарциоз, парамфистоматидозлар (парамфистомоз, каликофороз, лиорхоз ҳамда гастротриляксоз) алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу касалликларни қўзғатувчи гельминтлар-трематодалар ўзларининг патогенлик, яъни касалликни қўзғатиш ва уни ривожлантириш хусусиятлари билан бошқа гельминтлардан

Summary

Приводятся данные и «Наставления» по использованию хлорида калия в качестве моллюскоцида против пресноводных моллюсков - промежуточных хозяев возбудителей фасциолёза, ориентобильгарциоза и парамфистоматидозов.

ажралиб туради. Бу гельминтозларнинг қўзғатувчи биогельминтлар бўлиб, уларнинг биологик ривожланишида ва касалликларнинг тарқалишида қўшимча хўжайин сифатида чучук сувда яшовчи моллюскалар қатнашади. Ушбу моллюскалар Лумпаеа ва Planorbis авлодларига мансуб моллюскалар бўлиб, улар фақат чучук сувда, сувдаги тузлар микдори 300 мг/л.дан оз бўлганда яшаб қўпаяди.